

Шайх Равил Гайнутдин Россия муслмонлари диний идораси раиси этиб сайланди



12:35 / 24.09.2019 2119

Россия Федерацияси муслмонлари раҳбари муфтий, шайх Равил Гайнутдин ташкилотнинг VII ҳисобот-сайлов қурултойида Россия Федерацияси муслмонлари диний идораси раиси лавозимига янги беш йиллик муддатга қайта сайланди. Бу ҳақда Ўзбекистон муслмонлари идораси матбуот хизмат хабар беради.

Россия Федерацияси муслмонлари диний идораси анжуманида бир овоздан, очиқ овоз бериш йўли билан қайта сайланди.

Шунингдек, ташкилотнинг янги Низоми тасдиқланди. Унга кўра янги тузилган Оқсоқоллар кенгашига узоқ йиллар Россия Федерацияси муслмонлари диний идораси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб

келган Дамир Гизатуллин раис этиб сайланди.

Москва ислом институти ректори Дамир Мухетдинов Россия Федерацияси мусулмонлари диний идораси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайланди.

Мазкур қурултойда фахрли меҳмонлар қаторида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳам қатнашди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов Шайх Равил Гайнутдинга Россия Федерацияси мусулмонлари диний идорасининг VII қурултойида Россия Федерацияси мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий этиб сайлангани билан самимий муборакбод этди.

Islom.uz портали таҳририяти